(б) Сўралаётган Томон судга топшириқни бажаришда ёрдам кўрсатадиган ҳуқуқшуносларни тайинлаши мумкин.

3. Агар топшириқни ижро этиш сўралаётган органнинг ваколатларига кирмаса, бу ҳолда топшириқ уни ижро этиш ваколатига кирувчи органга кўриб чиқиш учун дарҳол юборилади.

4. Топшириқ қисман ёки бутунлай бажарилмаган бўлса, сўралаётган Томоннинг Марказий муассасаси топшириқни бажаришга тўсқинлик қилаётган сабаблар ҳақида сўраётган Томоннинг Марказий муассасасини дарҳол хабардор қилади.

20-модда

Топшириқни ижро этишда иштирок этиш

1. (а) Манфаатдор тарафлар ва уларнинг вакиллари топшириқни ижро этиш чоғида иштирок этишлари мумкин.

(б) Сўраётган Томон судининг вакиллари сўралаётган Томон Марказий муассасасининг олдиндан олинган розилиги билан далилларни тўплаш тўғрисидаги топшириқни ижро этишда иштирок этишлари мумкин.

2. Топшириқни ижро этиш давомида сўралаётган Томон Марказий муассасаси сўраётган Томон Марказий муассасасининг талабига мувофиқ унга далилларни тўплаш режалаштирилаётган вақт ва жой ҳақида асосли хабар юборади.

3. Тарафлар ва уларнинг вакиллари, шунингдек суд вакиллари топшириқни бажаришда иштирок этиш чоғида сўралаётган Томоннинг қонунчилигига риоя этишлари лозим.

21-модда

Мажбурлов чоралари

Топшириқни ижро этиш чоғида сўралаётган Томоннинг ваколатли давлат органи ўз мамлакати органлари томонидан чиқарилган қарорлар ва ўз мамлакати ҳудудидаги суд ишларида тарафларнинг илтимосларини бажариш учун ички қонун-қоидаларда белгиланганига тенг ҳажмда тегишли мажбурий чоралар қўллайдилар.

22-модда

Кўрсатувлар беришни рад этиш

Топшириқни ижро этиш чоғида унга дахлдор бўлган шахс ўзига берилган имтиёз ва юклатилган хизмат мажбурияти доирасида қуйидаги ҳолатларда кўрсатув беришни рад этиши мумкин:

- (a) сўралаётган Томоннинг қонунчилигига мувофик; ёки
- (b) сўраётган Томоннинг қонунчилигига мувофик, агар
- (i) имтиёзлар ёки хизмат мажбурияти топшириқда кўрсатилган бўлса, ёхуд
- (ii) имтиёзлар ёки хизмат мажбурияти сўралаётган Томон Марказий муассасасининг талабига кўра сўраётган Томоннинг Марказий муассасаси тарафидан тасдиқланган бўлса.

23-модда **Гувоҳномалар**

1. Сўралаётган Томоннинг Марказий муассасаси сўраётган Томоннинг Марказий муассасасига ҳужжатларни топшириш ёки далилларни тўплашни тасдиқловчи ёхуд топшириқни бутунлай ёки қисман ижро этмаслик сабаби кўрсатилган гувоҳномани жўнатиши лозим. Гувоҳноманинг асл нусхасини почта орқали жўнатишдан олдин унинг нусхаси факс ёки электрон почта орқали жўнатилади.

2. Топшириқнинг ижросини тасдиқловчи гувоҳномада ҳужжат етказилган шахснинг исми-шарифи, ижро этиш жойи, санаси ва усули кўрсатилиши лозим.

24-модда **Дипломатик ёки консуллик мансабдор шахси** **томонидан далиллар тўплаш**

Башарти бошқа Томон қонунчилиги бузилмаса ва бирор мажбурлаш чораларини қўллаш назарда тутилмаса, бир Томоннинг дипломатик ёки консуллик мансабдор шахси ўз ҳудудидаги судлов ишларига кўмак бериш мақсадида мазкур судлов ишларига жалб этилган бошқа Томон ҳудудидаги ўз фуқароларидан мажбурлов чораларини қўлламаган ҳолда кўрсатувлар олиши мумкин.

25-модда **Қонуний вакиллик**

Мазкур бобнинг ҳар қандай моддаси асосида далилларни тўплаш давомида сўроқ қилинаётган шахслар қонуний асосларда ўз вакилларига эга бўлишлари мумкин.

IV БОБ. БОШҚА ШАРТЛАР

26-модда **Легаллаштиришдан озод этиш**

Мазкур Шартноманинг мақсадларига мувофик, Томонларнинг судлари ёки бошқа ваколатли органлари тарафидан тақдим этилиб ёки тасдиқланиб, мазкур Шартноманинг 4-моддасида белгиланган Марказий муассасаларнинг

алоқа каналлари орқали юборилган барча хужжатлар легаллаштиришнинг ҳар қандай шаклидан озод этилади.

27-модда

Ҳуқуқий маълумотлар ёки суд ишларини юритиш материалларини тақдим этиш тўғрисида топшириқ

1. Сўралаётган Томон Марказий муассасаси сўраётган Томон Марказий муассасасининг топшириғи асосида мазкур сўраётган Томоннинг судлов ишлари билан боғлиқ ўз қонунчилигига доир маълумотларни тақдим этади.

2. Сўралаётган Томоннинг Марказий муассасаси сўраётган Томоннинг Марказий муассасасига процессуал ҳаракатларга оид суд ишларини юритиш материалларини ўз қонунчилигига мувофиқ тақдим этади.

28-модда

Бошқа шартномалар

Мазкур Шартноманинг қоидалари унда кўрсатилган масалаларга тааллуқли Томонларнинг мавжуд ёки келгусида тузиладиган икки томонлама ва кўп томонлама шартномалари, амалиёти ва бошқа келишувларига дахл қилмайди.

29-модда

Низоларни ҳал этиш

Томонлар ўртасида мазкур Шартномани талқин қилиш ёки қўллашдан келиб чиқадиган ҳар қандай низолар дипломатик каналлар орқали дўстона ҳал этилиши лозим.

30-модда

Ўзгартиш ва қўшимчалар

Томонлар мазкур Шартномага ўзаро келишув асосида алоҳида Протокол шаклида ўзгартиш ва қўшимчалар киритишлари мумкин. У мазкур Шартноманинг 31-моддасида белгиланган тартибда кучга киритилиб, унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

V БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

31-модда

Кучга киритиш ва амал қилишнинг тугаши

1. Мазкур Шартнома унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларининг бажарилгани тўғрисида Томонларнинг охириги хабарномаси олинган санадан кейин ўттизинчи куни кучга киради.

2. Мазкур Шартнома унинг кучга киришига қадар бошланган суд ишлари бўйича берилган топшириқларга нисбатан ҳам қўлланилади.

3. Томонларнинг ҳар бири исталган пайтда бошқа Томонни дипломатик

каналлар орқали ёзма равишда хабардор қилиб, мазкур Шартноманинг амал қилишини тугатиши мумкин. Мазкур Шартноманинг амал қилиши бундай хабарнома берилган санадан кейин бир юз саксонинчи куни тугатилади.

4. Мазкур Шартнома амал қилиш муддатининг тугатилишидан қатъи назар, у амалда бўлган пайтда берилган топшириқларнинг ижроси мазкур Шартнома қоидаларига мувофиқ давом эттирилади.

Барчасини тасдиқлаган ҳолда, қуйида имзо чекувчилар ўзларининг тегишли Ҳукуматлари томонидан белгиланган тартибда берилган ваколатлари доирасида мазкур Шартномани имзоладилар.

Сеул шаҳрида 2012 йил 20 сентябрда ҳар бири ўзбек, корейс ва инглиз тилларида бўлган икки нусхада тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Мазкур Шартнома қоидаларини талқин қилишда ихтилофлар юзага келганда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

Мазкур Шартноманинг
12 ва 13-моддаларига
1-ИЛОВА

**Суд ҳужжатларини топшириш тўғрисида
ТОПШИРИҚ
Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси
ўртасида фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича
ҳуқуқий ёрдам тўғрисида
ШАРТНОМА**

[Сўраётган Томон Марказий муассасасининг номи] [Сўралаётган Томон Марказий муассасасининг номи] қуйидаги ҳужжатларни жўнатиш шарафига муяссардир. Сиздан мазкур Шартноманинг 12 ва 13-моддаларига мувофиқ олувчига ҳужжатларни топширишингиз сўралади:

- а) сўралаётган Томон қонунчилигига мувофиқ.*
- б) агар имкони бўлса, қуйида кўрсатилган усулларга мувофиқ.*

ОЛУВЧИ

Исми-шарифи (номи) _____

Манзили _____

Зарурат туғилганда, манзилни аниқлаш учун батафсил маълумотлар Сиздан илова қилинган Гувоҳномани тўлдириш ва [Сўраётган Томон Марказий муассасасининг номи] қайтариш сўралади.

Ҳужжатлар рўйхати

Агар сўралаётган Томон топшириш учун қўшимча маълумотни талаб қилаётган бўлса, ушбу намуна сўраётган Томонга қўшимча маълумот кўрсатилган ҳолда қайтарилиши лозим:

Мазкур топшириқ билан жўнатилган ҳужжат сўраётган Томондан қўшимча маълумот олишни кутаётган сўралаётган органда сақланиши лозим.

Сана _____

Имзо ёки муҳр _____

* Кераксиз бўлса, олиб ташлансин.

Мазкур Шартноманинг
12 ва 13-моддаларига
1-ИЛОВА (давоми)

Топширилиши лозим бўлган ҳужжатлар ТАВСИФИ

Сўраётган суднинг номи ва манзили _____
Томонларнинг исми-шарифи (номи) ва фуқаролиги _____

Ҳужжатлар номи _____
Судда кўрилаётган ишнинг моҳияти ва, зарур ҳолларда, даъво қиймати _____

Кучга кириш санаси ва жойи* _____

Қарор чиқарган суд* _____

Қарор чиқарилган сана* _____

Топшириш муддати* _____

Муддатни белгилаш сабаблари қуйидагилар*:

Топшириқда кўрсатилган муддатларда топширишнинг имкони бўлмаганда ҳужжатлар қайтарилиши лозим имконият туғилиши билан топширилиши лозим.*

* Кераксиз бўлса, олиб ташлансин.

Мазкур Шартноманинг
14-моддасига
2-ИЛОВА

**Гувоҳнома Ўзбекистон Республикаси билан
Корея Республикаси ўртасида фуқаролик ва хўжалик
ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисида
ШАРТНОМА**

[Сўралаётган Томон Марказий муассасасининг номи] [Сўраётган Томон Марказий муассасасининг номи] -сонли суд ҳужжатларини топшириш тўғрисидаги сўровига доир қуйидаги далилларни Шартноманинг 14-моддасига мувофиқ тасдиқлайди.

1. Топширилган ҳужжатлар*

Сана _____

Жойи _____

Усул:

сўралаётган Томон қонунчилигига кўра белгиланган усулга мувофиқ*
агар имкони бўлса, қуйида кўрсатилган усулларга мувофиқ:*

Қабул қилувчи

Исми-шарифи

Олувчига алоқадорлик (оилавий, касбий ёки бошқалар)

2. Ҳужжатлар қуйидаги сабабларга кўра топширилмади:*

Иловалар

Қайтариладиган ҳужжатлар

Зарурат туғилганда, қуйидаги ҳужжатлар асосида топширилади:

Сана _____

Жой _____

Имзо ёки муҳр _____

* Кераксиз бўлса, олиб ташлансин.

**ПРОГРАММА СОТРУДНИЧЕСТВА
между Министерством иностранных дел Республики
Узбекистан и Министерством иностранных дел
Украины на 2014-2015 годы***

Ташкент, 11 октября 2013 года

Министерство иностранных дел Республики Узбекистан и Министерство иностранных дел Украины,

исходя из положений Договора между Республикой Узбекистан и Украиной о дружбе и дальнейшем углублении всестороннего сотрудничества от 19 февраля 1998 года, а также Соглашения о сотрудничестве и координации деятельности между Министерством иностранных дел Республики Узбекистан и Министерством иностранных дел Украины от 19 декабря 2002 года,

с целью дальнейшего развития сотрудничества между внешнеполитическими ведомствами двух стран,
намерены провести в 2014-2015 годах:

1. Политические консультации на уровне заместителей министров иностранных дел

Ответственные:

от Узбекской Стороны — Управление по сотрудничеству со странами СНГ и РФ

от Украинской Стороны — Первый территориальный департамент

Сроки и место проведения: первый квартал 2014 года, г. Киев
четвертый квартал 2015 года,
г. Ташкент

2. Консультации на уровне руководителей структурных подразделений Министерства иностранных дел Республики Узбекистан и Министерства иностранных дел Украины по вопросам:

2.1. Развитие двусторонних отношений

Ответственные:

от Узбекской Стороны — Управление по сотрудничеству со странами СНГ и РФ

от Украинской Стороны — Первый территориальный департамент

Сроки и место проведения: первый квартал 2014 года, г. Ташкент
третий квартал 2015 года, г. Киев

* Вступила в силу со дня подписания.

2.2. Сотрудничество в торгово-экономической сфере

Ответственные:

- от Узбекской Стороны* — Управление по сотрудничеству со странами СНГ и РФ
- от Украинской Стороны* — Первый территориальный департамент,
Департамент внешнеэкономического сотрудничества

Сроки и место проведения: первый квартал 2014 года, г. Киев
второй квартал 2015 года,
г. Ташкент

2.3. Сотрудничество в консульской сфере

Ответственные:

- от Узбекской Стороны* — Консульское управление
- от Украинской Стороны* — Департамент консульской службы

Сроки и место проведения: третий квартал 2014 года, г. Ташкент
третий квартал 2015 года, г. Киев

2.4. Сотрудничество в культурно-гуманитарной сфере

Ответственные:

- от Узбекской Стороны* — Управление по сотрудничеству со странами СНГ и РФ
Управление по культурно-гуманитарному сотрудничеству
- от Украинской Стороны* — Департамент связей с заграничным украинством и культурно-гуманитарного сотрудничества,
Первый территориальный департамент

Сроки и место проведения: второй квартал 2014 года, г. Ташкент
второй квартал 2015 года, г. Киев

2.5. Инвентаризация договорно-правовой базы

Ответственные:

- от Узбекской Стороны* — Договорно-правовое управление;
- от Украинской Стороны* — Договорно-правовой департамент

Сроки и место проведения: первый квартал 2015 года, г. Киев

Совершено в городе Ташкенте 11 октября 2013 года в двух подлинных экземплярах, каждый на узбекском, украинском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ
Республикаси Ҳукумати ўртасида туризм соҳасида
ҳамкорлик тўғрисида
БИТИМ***

2013 йил 29 ноябрь, Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати (кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар),

икки давлат ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга бўлган интилишларидан келиб чиқиб,

Томонлар давлатларининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишида туризмнинг муҳим аҳамиятини эътиборга олиб,

Томонлар давлатларининг фуқаролари ўртасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда туризм соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлигини инобатга олиб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Томонлар давлатларининг фуқаролари ўртасида икки давлат иқтисодиёти, маданияти, табиий диққатга сазовор жойлари ва тарихий ёдгорликларини муҳофаза қилиш ҳамда миллий анъаналарини асраш борасида ўзаро англашувни рағбатлантириш мақсадида Томонлар туризм соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашадилар.

Сайёҳлар алмашинувини кўпайтириш мақсадида Томонлар ўз давлатларининг туристик идора ва ташкилотлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликни рағбатлантирадилар.

2-модда

Томонлар туризмни ривожлантириш соҳасида тенг ҳуқуқлилиқ ва ўз-

* Имзоланган кундан кучга кирган.

аро манфаатдорлик асосида ҳамда ҳар бир Томон давлатининг миллий қонунчилиги доирасида ҳамкорлик қиладилар.

3-модда

Туризм соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Томонлар қуйидаги йўналишларда ҳамжиҳатликда ҳаракат қиладилар:

(а) туризм соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва алмашиш, туристик мажмуалар ходимларини ўқитиш масалаларида ҳамкорликни рағбатлантириш;

(б) меҳмонхона ҳамда бошқа туристик объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш;

(в) Томонлар давлатларининг манфаатдор ташкилотларига қўшма корхоналар тузишда ва бошқа инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш;

(г) Томонлар давлатларининг туристик агентликларига ҳамкорликнинг янги йўналишларини ривожлантиришда ёрдам кўрсатиш;

(д) халқаро туристик ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни кучайтириш.

4-модда

Томонлар қуйидагилар орқали туризм соҳасида ҳамкорликни амалга оширадилар:

(а) ҳар бир Томон давлати ҳудудида туризм соҳасида тегишли тадбирлар ўтказишга кўмаклашиш ҳисобига Томонлар давлатларининг туристик салоҳиятларини тарғиб қилиш ва намойиш этишни кучайтириш;

(б) сайёҳлик ва маданий фестивалларни ташкил қилиш, фольклор ва ҳаваскор гуруҳлар гастролларини ўтказиш;

(в) ҳар бир Томон давлати ҳудудида ўтказиладиган ярмарка ва кўргазмаларда ўз давлатининг туристик идора ва ташкилотлари иштирокини қўллаб-қувватлаш;

(г) тегишли миллий туристик маршрут ва маҳсулотларни ўрганиш учун бошқа Томон давлати туроператорлари ва оммавий ахборот воситалари вакилларини ўзаро таклиф қилиш;

(д) туризм соҳасида, шу жумладан икки давлат туристик захиралари, туристик бозорнинг ҳолати, туризм соҳасини тартибга солувчи қонунчилик ва туризм масалаларини ёритувчи босма нашрлар тўғрисида тажриба ва маълумот алмашиш;

(е) ўзаро келишилган бошқа шакллар.

5-модда

Туризм соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида, Томонлар икки давлат ҳудудида ҳар бир Томон давлатининг миллий қонунчилигига мувофиқ Томонлар давлатлари ваколатли органларининг расмий ваколатхоналарини очиш имкониятини кўриб чиқадиладар.

Ушбу ваколатхоналар фаолияти Томонлар ўртасидаги алоҳида битим билан тартибга солинади.

6-модда

Ушбу Битимни бажариш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш Ўзбек-хитой ҳукуматлараро қўмитаси ва унинг тегишли кичик қўмиталари томонидан амалга оширилади.

Икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш мақсадида, Томонлар ўзларининг тенг сонли вакилларида ташкил топган ишчи гуруҳлар тузишлари мумкин.

Ишчи гуруҳлар мажлисларини ўтказиш вақти ва жойи Томонлар ўртасида келишилади.

7-модда

Башарти ҳар бир алоҳида ҳолатда бошқача тартиб келишиб олинмаса, Томонлар мазкур Битимни бажариш давомида юзага келадиган харажатларни мустақил равишда кўтардилар.

8-модда

Томонлар мазкур Битимни бажариш учун қуйидаги ваколатли органларни масъул этиб тайинлайдилар:

Ўзбекистон томонидан:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги,

«Ўзбектуризм» миллий компанияси;

Хитой томонидан:

Хитой Халқ Республикаси Туризм ишлари бўйича давлат бошқармаси.

9-модда

Мазкур Битимга Томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ҳамда мазкур Битимнинг 11-моддасида белгиланган тартибда кучга кирувчи алоҳида протоколлар билан расмийлаштириладиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

10-модда

Мазкур Битим қоидаларини қўллаш ва талқин қилиш борасидаги барча низо ва келишмовчиликлар Томонлар ўртасида маслаҳатлашув ва музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

11-модда

Мазкур Битим имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва беш (5) йил давомида амал қилади. Агар Томонлардан бири мазкур Битим амал қилишининг тегишли муддати тугашидан камида олти (6) ой олдин унинг амал қилишини тугатиш нияти тўғрисида бошқа Томонни дипломатик каналлар

орқали ёзма равишда хабардор қилмаса, унинг амал қилиши ўз-ўзидан кейинги беш йиллик муддатларга узаяверади.

Тошкент шаҳрида 2013 йил 29 ноябрда икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, хитой ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Мазкур Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келганда, Томонлар рус тилидаги матнга амал қиладилар.

(имзолар)

СОГЛАШЕНИЕ
между Правительством Республики Узбекистан и
Правительством Китайской Народной Республики
о сотрудничестве в сфере туризма*

Ташкент, 29 ноября 2013 года

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Китайской Народной Республики (далее именуемые «Стороны»),
руководствуясь стремлением к дальнейшему развитию и укреплению сотрудничества в области туризма между двумя странами,
принимая во внимание важную роль туризма в экономическом, социальном и культурном развитии государств Сторон,
учитывая важность развития сотрудничества в области туризма в укреплении дружественных отношений между гражданами государств Сторон,
согласились о нижеследующем:

Статья 1

Стороны будут содействовать развитию сотрудничества в области туризма в целях поощрения взаимопонимания между гражданами государств Сторон в сферах экономики, культуры, охраны природных достопримечательностей, исторических памятников и сохранения национальных традиций двух стран.

Стороны будут поощрять сотрудничество и дружественные отношения между туристическими органами и организациями своих стран в целях увеличения туристического обмена.

Статья 2

Стороны будут сотрудничать в области развития туризма на основе

* Вступил в силу со дня подписания.

равноправия и взаимной выгоды и в рамках национального законодательства государства каждой из Сторон.

Статья 3

С целью развития сотрудничества в сфере туризма, Стороны будут взаимодействовать в следующих направлениях:

(а) поощрять сотрудничество в вопросах подготовки и обмена специалистами в области туризма, оказывать помощь в обучении персонала туристических комплексов;

(б) развивать сотрудничество в области строительства и эксплуатации гостиниц и других туристических объектов;

(в) оказывать содействие заинтересованным организациям государств Сторон в создании совместных предприятий и реализации других инвестиционных проектов в сфере туризма;

(г) оказывать содействие туристическим агентствам государств Сторон в развитии новых направлений сотрудничества;

(д) усиливать сотрудничество в рамках международных туристических организаций.

Статья 4

Стороны будут осуществлять сотрудничество в сфере туризма посредством:

(а) усиления пропаганды и проведения презентаций туристического потенциала государств Сторон за счет содействия в проведении на территории государства каждой из Сторон соответствующих мероприятий в сфере туризма;

(б) организации туристических и культурных фестивалей, проведения гастролей фольклорных и любительских групп;

(в) поддержки туристических органов и предприятий своих стран в участии в туристических ярмарках и выставках, проводимых на территории государства каждой из Сторон;

(г) взаимного приглашения туроператоров и представителей средств массовой информации государства другой Стороны для изучения соответствующих национальных туристических маршрутов и продуктов;

(д) обмена опытом и информацией в сфере туризма, в том числе о туристских ресурсах двух стран, состоянии туристского рынка, законодательстве, регулирующем сферу туризма, и печатных изданиях, освещающих вопросы туризма;

(е) в других взаимно согласованных формах.

Статья 5

С целью развития сотрудничества в области туризма, Стороны будут рассматривать возможность учреждения официальных представительств компетентных органов государств Сторон на территории двух государств

в соответствии с национальным законодательством государства каждой из Сторон.

Деятельность данных представительств будет регулироваться отдельным соглашением между Сторонами.

Статья 6

Координация деятельности по выполнению настоящего Соглашения осуществляется Узбекско-китайским межправительственным комитетом и его соответствующими подкомитетами.

В целях разработки программ развития двустороннего сотрудничества, Стороны могут создать рабочую группу, состоящую из равного количества представителей Сторон.

Место и время проведения заседания рабочей группы будут согласовываться между Сторонами.

Статья 7

Стороны самостоятельно несут расходы, которые возникают в ходе выполнения ими настоящего Соглашения, если в каждом конкретном случае не будет согласовано иное.

Статья 8

Стороны назначают следующие компетентные органы, ответственные за реализацию настоящего Соглашения:

с узбекской стороны:

Министерство внешних экономических связей, инвестиций и торговли Республики Узбекистан,

Национальная компания «Узбектуризм»;

с китайской стороны:

Государственное управление по делам туризма Китайской Народной Республики.

Статья 9

По взаимному согласию Сторон в настоящее Соглашение могут вноситься изменения и дополнения, которые оформляются отдельными протоколами, являющимися неотъемлемой частью настоящего Соглашения, и вступают в силу в порядке, предусмотренном статьей 11 настоящего Соглашения.

Статья 10

Все споры и разногласия по применению и толкованию положений настоящего Соглашения, разрешаются путем переговоров и консультаций между Сторонами.

Статья 11

Настоящее Соглашение вступает в силу со дня подписания и действует в течение пяти (5) лет. Его действие будет автоматически продлеваться на последующие пятилетние периоды, если ни одна из Сторон не уведомит в письменной форме другую Сторону, не менее чем за шесть (6) месяцев до истечения соответствующего срока о своем намерении прекратить его действие.

Совершено в г. Ташкенте 29 ноября 2013 года в двух экземплярах, каждый на узбекском, китайском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу. В случае возникновения разногласий в толковании положений настоящего Соглашения, Стороны будут руководствоваться текстом на русском языке.

(подписи)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Латвия
Республикаси Ҳукумати ўртасида соғлиқни сақлаш ва
тиббий фанлар соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида
БИТИМ**

2013 йил 17 октябрь, Рига

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2013 йил 13 декабрдаги ПҚ-2086-сон қарори**

(2013 йил 18 декабрдан кучга кирди)

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Латвия Республикаси Ҳукумати, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар, соғлиқни сақлаш ва тиббий фанлар соҳасида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга интилиб, икки давлат аҳолиси соғлиғини яхшилаш ва мустақамлаш мақсадида, **қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

1-модда

Томонлар ҳар иккала давлатнинг миллий қонунчилигига мувофиқ ва уларнинг халқаро мажбуриятларини инобатга олган ҳолда, тенглик ва ўз-

* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 51-сон, 661-модда.

аро манфаат тамойилларига амал қилиб, соғлиқни сақлаш ва тиббий фанлар соҳасида ҳамкорлик қиладилар.

2-модда

Томонлар қуйидаги соҳаларда икки томонлама манфаатли ҳамкорликни ривожлантирадилар:

1) соғлиқни сақлаш хизматларини ташкил этиш (дастлабки тиббий-санитария ёрдами мустаҳкамлаш, ихтисослаштирилган тиббий марказларни мақбуллаштириш, госпитал тиббий ёрдам самарадорлигини ошириш, тиббий хизматлар бозорини ривожлантириш, жамоат соғлиғини сақлаш бўйича хизматлар кўрсатиш);

2) соғлиқни сақлаш ва тиббий фанлар соҳасида ҳар икки давлат учун устувор ҳисобланган йўналишлар ва масалалар бўйича қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

3) соғлиқни сақлаш, фармацевтика ва жамоат соғлиғини сақлаш соҳасидаги кадрларни, шу жумладан соғлиқни сақлаш тизимидаги педагогик, илмий ва бошқарув ходимларини ўқитиш ва қайта тайёрлаш;

4) фармация ва тиббиёт асбоб-ускуналари;

5) аҳоли соғлиғини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш мақсадида профилактик, клиник ҳамда экспериментал соҳаларда илмий-фундаментал ва амалий изланишларни ривожлантириш;

6) соғлиқни сақлаш соҳасидаги иқтисодиёт, жумладан молиявий менежмент ва тиббий суғурталашни амалга ошириш;

7) соғлиқни сақлаш тизимида ахборот-технологиялар менежменти;

8) юқумли касалликлар (айниқса сил ва ОИВ/ОИТС) ҳамда юқумли бўлмаган касалликлар бўйича (юррак-қон томири, онкологик касалликлар, диабет ва бошқалар) профилактика, эпидемиологик кузатув ва улар устидан назорат ўрнатиш;

9) она ва бола соғлиғини ҳимоя қилиш;

10) соғлиқни сақлаш тизимида сифатни бошқариш, шу жумладан, соғлиқни сақлаш муассасаларини лицензиялаш тизимининг амал қилиши;

11) Томонларнинг ўзаро розилиги ҳамда уларнинг техник имкониятларидан келиб чиққан ҳолда техникавий ёрдам кўрсатиш;

12) ҳар икки давлатда тиббий туризмни ривожлантириш борасида ҳамкорлик қилиш.

Томонлар соғлиқни сақлаш ва тиббий фанларнинг ўзаро қизиқиш уйғотадиган бошқа соҳаларида ҳам ҳамкорлик қилишлари мумкин.

3-модда

Томонлар мазкур Битимнинг 2-моддаси қоидаларини амалга ошириш мақсадида ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказиш, кадрлар ва маълумотлар алмашиш, симпозиум ва конференциялар ташкил қилиш, монография ва мақолаларни нашр этиш орқали ҳамда ўзаро келишув асосида бошқа шаклларда ҳамкорликни амалга оширадилар.

4-модда

Мазкур Битим қоидаларини амалга ошириш учун Томонлар қуйидаги ваколатли органларни тайинлайдилар:

— Ўзбекистон томонидан: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

— Латвия томонидан: Латвия Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

Томонларнинг ваколатли органлари муайян даврга мўлжалланган батафсил ҳамкорлик Дастурини тузишлари мумкин.

5-модда

Томонлар тиббиёт ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари, тиббиёт муассасалари ҳамда иккала давлат соғлиқни сақлаш тизимидаги бошқа муассасалар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни қўллаб-қувватлайдилар.

6-модда

Томонлар ўз давлатлари ҳудудларида бошқа Томон давлатининг фуқароларига шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш ва кўрсатилган тиббий ёрдам учун ҳисоб-китоб қилиш тартибини белгилаш бўйича ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар.

Мазкур моддага мувофиқ шошилиш ёрдам олиш ҳуқуқи Томонлар ўртасида ҳамкорлик тўғрисида тегишли битим имзоланганидан сўнг ҳақиқийдир.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Латвия Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолаш учун ваколатли органлар ҳисобланадилар.

7-модда

Томонлар конгресслар, конференциялар, кўргазмалар ва ўз давлатларининг соғлиқни сақлаш ва тиббий фанлар соҳасидаги бошқа тадбирларида маълумотлар алмашинувига кўмаклашадилар.

8-модда

Мазкур Битим қоидалари Томонлар иштирокчиси бўлган бошқа амалдаги халқаро шартномалардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга дахл қилмайди.

9-модда

Томонларнинг ўзаро келишуви асосида мазкур Битимга унинг ажралмас қисми ҳисобланувчи алоҳида протоколлар билан расмийлаштирилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Мазкур Битимни қўллаш ва талқин қилиш билан боғлиқ ҳар қандай низоли масалалар Томонлар ўртасида музокаралар ва маслаҳатлашувлар йўли билан ҳал қилинади.

10-модда

Мазкур Битим Томонлар тарафидан унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларининг бажарилганлиги тўғрисида бир-бирларини хабардор қилиш учун дипломатик каналлар орқали юборилган ёзма шаклдаги сўнгги хабарнома олинган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Битим беш йиллик муддатга тузилади ва башарти Томонлардан ҳеч бири бошқа Томонга Битимнинг амал қилиш муддати тугашидан камида олти ой олдин унинг амал қилишини тугатиш нияти тўғрисида ёзма хабарнома юбормаса, мазкур Битим ўз-ўзидан кейинги беш йиллик муддатларга узаяверади.

2013 йил 17 октябрда Рига шаҳрида икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, латиш ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Мазкур Битим қоидаларини талқин қилишда ихтилофлар юзага келган тақдирда, инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Эстония
Республикаси Ҳукумати ўртасида икки томонлама солиққа
тортишдан сақланиш, даромад ва сармоя солиқларини
тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисида
КОНВЕНЦИЯ**

2012 йил 28 сентябрь, Нью-Йорк

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2013 йил 7 мартдаги ПҚ-1932-сон қарори**

(2013 йил 23 декабрдан кучга кирди)

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Эстония Республикаси Ҳукумати, икки томонлама солиққа тортишдан сақланиш, даромад ва сармоя солиқларини тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш, шунингдек икки мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 11-сон, 139-модда.

1-модда **Қўлланилиш соҳаси**

Ушбу Конвенция Аҳдлашувчи Давлатларнинг бири ёки ҳар иккисининг резидентлари ҳисобланадиган шахсларга нисбатан қўлланилади.

2-модда **Конвенцияда татбиқ қилинадиган солиқлар**

1. Ушбу Конвенция Аҳдлашувчи Давлатлар ёки уларнинг маҳаллий органлари номидан ундириладиган даромад ва сармоя солиқларига, ундириш усулларида қатъи назар, татбиқ қилинади.

2. Даромад ва сармоя солиқларига умумий даромаддан, умумий сармоядан ёки даромад ёки сармоянинг бир қисмидан ундириладиган барча солиқлар, шу жумладан кўчар ёки кўчмас мулкни бегоналаштиришдан ундириладиган солиқлар, шунингдек сармоя қиймати кўпайиб боришидан ундириладиган солиқлар қиради.

3. Ушбу Конвенцияда татбиқ қилинадиган мавжуд солиқларга, хусусан, қуйидагилар қиради:

а) Ўзбекистон Республикасига нисбатан:

(i) юридик шахсларнинг даромадига (фойдасига) солинадиган солиқ;

(ii) жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ, ва

(iii) мулк солиғи:

(кейинги ўринларда «Ўзбекистон солиғи» деб юритилади);

б) Эстония Республикасига нисбатан:

даромад солиғи (tulumaks).

(кейинги ўринларда «Эстония солиғи» деб юритилади).

4. Ушбу Конвенция, у имзоланган кундан сўнг ундириладиган шунга ўхшаш ва моҳиятига кўра яқин бўлган мавжуд солиқларга ёки уларнинг ўрнига қўлланиладиган ҳар қандай солиқларга нисбатан татбиқ этилади. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари ўзларининг солиқ қонунчиликларига киритиладиган ҳар қандай жиддий ўзгаришлар ҳақида бир-бирларини хабардор қиладилар.

3-модда **Умумий таърифлар**

1. Мазкур Конвенция мақсадлари учун, агар контекстан ўзгача маъно келиб чиқмаса:

а) «Ўзбекистон» атамаси Ўзбекистон Республикасини англатади ва географик маънода қўлланилганда Ўзбекистон Республикаси ҳудудини, ўзининг суверен ҳуқуқлари ва юрисдикциясини, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ тупроқ ости ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириши мумкин бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳудудини, шу жумладан, ҳудудий сув ҳавзалари ва ҳаво ҳудудини билдиради;

б) «Эстония» атамаси Эстония Республикасини англатади, географик

маънода қўлланилганда унинг ҳудудини, Эстония қонунчилиги ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ Эстониянинг денгиз туби ва тупроқ ости ва табиий ресурсларига нисбатан ҳуқуқлари амалга оширилиши мумкин бўлган Эстония ҳудудини ва Эстония ҳудудий сувларига туташ бўлган ҳар қандай бошқа вилоятни билдиради;

в) «бир Аҳдлашувчи Давлат» ва «бошқа Аҳдлашувчи Давлат» атамаси контекстдан келиб чиқиб, Ўзбекистонни ёки Эстонияни англатади;

г) «шахс» атамаси жисмоний шахс, компания ва шахсларнинг исталган бошқа бирлашмасини англатади;

д) «компания» атамаси ҳар қандай корпоратив бирлашмани ёки солиқ солиш мақсадида корпоратив бирлашма сифатида кўриб чиқиладиган ҳар қандай бошқа ташкилотни англатади;

е) «бир Аҳдлашувчи Давлат корхонаси» ва «бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонаси» атамалари тегишли равишда бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг бошқаруви остида фаолият кўрсатаётган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бошқаруви остида фаолият кўрсатаётган корхонани англатади;

ё) «халқаро ташувлар» атамаси Аҳдлашувчи Давлат корхонаси томонидан фойдаланилаётган денгиз ёки ҳаво кемаси, автомобиль ёки темир йўл транспорт воситаси орқали амалга оширилаётган ҳар қандай ташувларни билдиради, денгиз ёки ҳаво кемаси, автомобиль ёки темир йўл транспорт воситаси фақат бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган пунктлар орасида фойдаланилган ҳоллар бундан мустасно;

ж) «ваколатли орган» атамаси қўйидагиларни англатади:

(i) Ўзбекистонга нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси ёки унинг ваколатли вакили;

(ii) Эстонияга нисбатан — Молия вазирини ёки унинг ваколатли вакили;

з) «миллий шахс» атамаси қўйидагиларни англатади:

(i) Аҳдлашувчи Давлат фуқаролигига эга ҳар қандай жисмоний шахс;

(ii) Аҳдлашувчи Давлатнинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ўзининг шундай мақомини олган ҳар қандай юридик шахс, ширкат ва уюшма.

2. Конвенция Аҳдлашувчи Давлат томонидан қўлланиши асносида исталган пайтда унда аниқлаштирилмаган таъриф, контекстдан бошқача маъно келиб чиқмаса, бу вақтга келиб, ушбу Давлатнинг қонунчилигига мувофиқ мазкур Конвенция татбиқ этиладиган солиқларга нисбатан билдирадиган маъносини англатади. Ушбу Давлатнинг солиқ қонунчилигида кўзда тутилган маъно ушбу Давлат қонунчилигининг бошқа соҳаларида ушбу атамача учун кўзда тутилган маънога нисбатан устунликка эга бўлади.

4-модда **Резидент**

1. Ушбу Конвенция мақсадлари учун «Аҳдлашувчи Давлат резиденти» атамаси ушбу Давлат қонунчилигига кўра унда ўзининг турар жойи, доимий яшаш жойи, юридик шахс ёки ҳар қандай бошқа ўхшаш мезон асосида бошқариш жойи, ташкил топиш жойига ёки шунга ўхшаш бошқа мезонга асосан унга солиқ солиниши лозим бўлган ҳар қандай шахсни билдиради,

айни пайтда ушбу Давлатни ва ҳар қандай маҳаллий ҳокимият органини қамраб олади. Аммо мазкур атама фақат ушбу Давлатдаги манбалардан олинadиган даромадига нисбатан ёки унда жойлашган сармоясига нисбатан солиққа тортиладиган ҳар қандай шахсни қамраб олмайди.

2. Агарда 1-банд қоидаларига мувофиқ жисмоний шахс ҳар икки Аҳдлашувчи Давлатлар резиденти ҳисобланса, унинг мақоми қуйидаги тартибда белгиланади:

а) у фақат фойдаланиши мумкин бўлган доимий турар жойига эга бўлган Давлатнинг резиденти ҳисобланади; агарда у ҳар икки давлатда фойдаланиши мумкин бўлган турар жойга эга бўлса, у фақат энг яқин шахсий ва иқтисодий алоқаларга эга бўлган (ҳаётий манфаатлари маркази) Давлатнинг резиденти ҳисобланади;

б) агарда унинг ҳаётий манфаатлари марказини аниқлашнинг иложи бўлмаса ёки у Давлатларнинг биронтасида ҳам фойдаланиши мумкин бўлган турар жойга эга бўлмаса, у фақат одатда кўп ҳозир бўладиган Давлатнинг резиденти ҳисобланади;

в) агарда шахс одатда ҳар икки Давлатда истиқомат қилса, ёки одатда уларнинг биронтасида ҳам истиқомат қилмаса, у қайси Давлатнинг миллий шахси ҳисобланса, фақат унинг резиденти ҳисобланади;

г) агарда у ҳар икки Давлатнинг миллий шахси ҳисобланса, ёки биронтасига ҳам мансуб бўлмаса, бу ҳолда Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари бу масалани ўзаро келишув асосида ҳал қилиши лозим.

3. Агарда 1-банд қоидаларига кўра, жисмоний шахс бўлмаган шахс, ҳар икки Аҳдлашувчи Давлатларнинг резиденти ҳисобланса, Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари ушбу масалани ўзаро келишув асосида ҳал қилишга интиладилар ва мазкур Конвенцияни бундай шахсга татбиқ қилиш усулини белгилайди. Бундай келишувга эришилмаса, ушбу Конвенция устуворликларидан фойдаланиш мақсадида бундай шахс Аҳдлашувчи Давлатларнинг биронтасининг ҳам резиденти ҳисобланмайди.

5-модда **Доимий муассаса**

1. Мазкур Конвенция мақсадлари учун «доимий муассаса» атамаси у орқали корхона тўлиқ ёки қисман ўзининг тадбиркорлик фаолиятини олиб бораётган доимий фаолият юритиш жойи тушунилади.

2. «Доимий муассаса» атамасига, хусусан қуйидагилар киради:

- а) бошқарув жойи;
- б) бўлим;
- в) офис;
- г) фабрика;
- д) устахона, ва
- е) шахта, нефть ёки газ қудуғи, карьер ёки табиий ресурслар қазиб олинadиган бошқа жой.

3. Айна пайтда доимий муассасага қуйидагилар киради:

- а) Қурилиш майдончаси, монтаж қилинадиган ёки йиғиладиган объект,

фақат бундай майдонча, объект ёки фаолиятнинг давомийлиги 9 ойдан узоқ муддат давом этган ҳолда доимий муассаса ҳисобланади;

б) Аҳдлашувчи Давлат корхонаси томонидан хизматчилари ёки, ушбу мақсадлар учун ёлланган бошқа ходимлари орқали хизмат кўрсатиш, шу жумладан, маслаҳат хизматларини кўрсатиш, бу ўринда фақат бу турдаги фаолият бошқа Аҳдлашувчи Давлат ҳудудида исталган ўн икки ойлик давр мобайнида умумий ҳисобда 183 кундан ортиқ давом этадиган ҳоллар кўзда тутилади.

4. Мазкур модданинг юқоридаги қоидаларидан қатъи назар, «доимий муассаса» атамасига қуйидагилар кирмайди:

а) иншоотдан фақат ушбу корхонага тегишли бўлган товарлар ёки маҳсулотларни сақлаш, намойиш этиш ёки етказиб бериш мақсадларида фойдаланиш;

б) ушбу корхонага тегишли бўлган товарлар ёки маҳсулотлар захирасини фақат сақлаш, намойиш этиш ёки етказиб бериш мақсадларида фойдаланиш;

в) ушбу корхонага тегишли бўлган товарлар ёки маҳсулотларни уларга фақат бошқа корхоналар томонидан ишлов берилиши мақсадида сақлаш;

г) доимий фаолият кўрсатиш жойини фақат товарлар ёки маҳсулотларни харид қилиш, ёки ушбу корхона учун маълумотлар тўплаш мақсадида сақлаш;

д) доимий фаолият жойини фақат ушбу корхона мақсадлари йўлида тайёрлов ёки кўмакчи характерга эга ҳар қандай бошқа фаолиятни юритиш учун сақлаш;

е) доимий фаолият жойидан фақат (а) — (д) қўшимча бандларида кўзда тутилган фаолият турларини ҳар қандай тартибда бирга юритиш учун фойдаланиш, бунда бу каби бирикувдан ташкил топган ушбу доимий фаолият жойининг умумий фаолияти тайёрлов ёки кўмакчи характерга эга бўлиши кўзда тутилади.

5. 1 ва 2-бандларнинг қоидаларидан қатъи назар, мустақил мақомга эга бўлган агентдан фарқ қилувчи ва унга нисбатан 6-банднинг қоидалари қўлланилиши мумкин бўлган шахс, корхона номидан фаолият кўрсатса ва Аҳдлашувчи Давлатда корхона номидан шартнома тузиш ваколатига эга бўлиб, фаолият кўрсатса, бу ҳолда шахс томонидан мазкур корхона учун амалга оширадиган ҳар қандай фаолиятга нисбатан корхона ушбу Давлатда доимий муассасага эга деб ҳисобланади. Бунда ушбу шахс фаолияти 4-бандда санаб ўтилган фаолият турлари билан чекланмаслиги кўзда тутилади, зеро улар доимий фаолият юритиш жойида амалга оширилганда, мазкур банд қоидаларига мувофиқ, ушбу доимий фаолият юритиш жойини доимий муассаса жойига айлантирмайди.

6. Корхона ушбу Давлатда ўзининг одатдаги фаолияти доирасида фаолият олиб боровчи брокери, воситачиси ёки мустақил мақомга эга бўлган ҳар қандай бошқа агенти орқали Аҳдлашувчи Давлатда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи доимий муассасага эга, деб ҳисобланмайди.

7. Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти ҳисобланувчи компа-

ния бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган, ёки ушбу бошқа давлатда тадбиркорлик фаолиятини юритаётган компания томонидан назорат қилиниши (доимий муассаса орқали ёки бошқача тарзда) фактининг ўзи ушбу компанияларнинг бири иккинчисининг доимий муассасага айлантирмайди.

6-модда

Кўчмас мулкдан олинадиган даромадлар

1. Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти томонидан бошқа Аҳдлашувчи Давлат худудида жойлашган кўчмас мулкдан олаётган даромади (шу жумладан, қишлоқ ва ўрмон хўжалигидан олинадиган даромад) ушбу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. «Кўчмас мулк» атамаси кўриб чиқиладиган мулк жойлашган Аҳдлашувчи Давлат қонунчилигида белгиланган маънони англатади. Мазкур атамани ҳар қандай ҳолатда кўчмас мулкка йўлдош бўлган мол-мулк, чорва ва қишлоқ хўжалиги, ҳамда ўрмон хўжалиги инвентарларини англатади. Уларга бўлган ҳуқуқлар ер усти мулкига оид умумий қонунчилик қоидалари, кўчмас мулк узурфрукти ҳамда минераллар қатлами, манбалар ва бошқа табиий ресурсларни қазиб олиш ёки қазиб олишга бўлган ҳуқуқ учун ўзгарувчан ёки қатъий белгиланган тўловларга бўлган ҳуқуқлар билан белгиланган. Денгиз ва ҳаво кемалари, автомобиль ва темир йўл транспорти кўчмас мулк сифатида кўриб чиқилмайди.

3. 1-банднинг қоидалари кўчмас мулкдан бевосита фойдаланиши, ижарага бериши ёки бошқача шаклда фойдаланишдан олинадиган даромадга, шунингдек кўчмас мулкни бегоналаштиришдан олинадиган даромадга нисбатан қўлланилади.

4. Агарда акцияларга ёки компаниянинг бошқа корпоратив ҳуқуқларига эгаллик қилиш бундай акциялар ёки корпоратив ҳуқуқлар эгасига компанияга тегишли бўлган кўчмас мулкка эгаллик қилиш имконини берса, бевосита фойдаланиш, ижарага бериш ёки бошқача шаклда фойдаланишдан олинадиган даромадга ушбу кўчмас мулк жойлашган Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

5. 1, 3 ва 4-бандларнинг қоидалари ҳам корхонанинг кўчмас мулкдан оладиган даромадларига ва мустақил шахсий хизматларни амалга ошириш учун зарур бўлган даромадларга татбиқ қилинади.

7-модда

Тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган фойда

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг фойдаси, бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган доимий муассасаси томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмаса, фақат шу Давлатда солиққа тортилиши керак. Агарда корхона юқорида кўрсатилганидек фаолият юритса, унинг фойдаси ушбу доимий муассаса фаолиятига тааллуқли бўлган қисмига кўра бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. 3-банд қоидаларига кўра, бир Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий муассасаси орқали

тадбиркорлик фаолиятини амалга оширса, ҳар бир Аҳдлашувчи Давлатда ушбу доимий муассасага у шундай ёки шунга ўхшаш фаолиятни шундай ёки шунга ўхшаш шароитларда ўзи доимий муассасаси бўлган корхонадан мутлақо мустақил равишда амалга оширувчи алоҳида ва мустақил ташкилот олиши мумкин бўлган фойда ҳисобланади.

3. Доимий муассасанинг фойдасини аниқлашда ушбу доимий муассаса фаолияти мақсадлари учун сарфланган харажатларнинг, шу жумладан, доимий муассаса жойлашган Давлатда, ва айти пайтда унинг ҳудудидан ташқарида сарфланган фойданинг чиқариб ташланишига йўл қўйилади. Аҳдлашувчи Давлатнинг ҳисоб-китоб қилинишга рухсат берилган харажатларига фақат ушбу Давлатнинг ички қонунчилигига кўра чиқариб ташланадиган харажатларгина киритилади.

4. Аҳдлашувчи Давлатда корхона фойдаси умумий қийматининг унинг турли тузилмаларига мутаносиб тақсимланиши асосида доимий муассасага тегишли бўлган фойдани аниқланиши одатдаги амалиёт бўлса-да, 2-банд қоидалари ушбу Давлатга бундай тақсимлаш асосида солиққа тортиладиган фойдани аниқлашни инкор этмайди, зеро амалиёт шуни тақозо этади; аммо тақсимлашнинг танланган усули ушбу моддада кўзда тутилган тамойилларга мос бўлган натижани бериши керак.

5. Фақат доимий муассаса томонидан ушбу корхона учун товарлар ёки маҳсулотларни харид қилиш асосида, доимий муассасага бирон-бир фойда ҳисобланмайди.

6. Аввалги бандлар мақсадлари учун доимий муассасага тегишли фойда, уни ўзгартириш учун етарли ва жиддий сабаб бўлмаса, йилдан йилга бир хил усул билан ҳисобланади.

7. Агарда фойда, мазкур Конвенциянинг бошқа моддаларида сўз юритилган барча турдаги даромадларни қамраб олса, ушбу моддаларнинг қоидаларига мазкур модда қоидалари татбиқ қилинмайди.

8-модда

Халқаро транспорт

1. Аҳдлашувчи Давлатлардан бири томонидан денгиз ёки ҳаво кемаси, автомобиль ёки темир йўл транспорт воситасидан фойдаланиш орқали халқаро ташувлардан олинган фойда фақат ушбу Давлатда солиққа тортилади.

2. 1-банд қоидалари, шунингдек, пулда, умумий фаолиятда ёки транспорт воситалари эксплуатацияси бўйича халқаро ташкилотда иштирок этишдан олинадиган фойдага нисбатан ҳам татбиқ қилинади.

9-модда

Бирлашган корхоналар

1. Қуйидаги ҳолларда:

а) Аҳдлашувчи Давлат корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқарувида, назоратида ёки сармоясида бевосита ёки билвосита иштирок этганда, ёки

б) битта Аҳдлашувчи Давлат корхонаси ва бошқа Аҳдлашувчи Давлат

корхонаси бошқарувида, назоратида ёки сармоясида бевосита ёки билвосита айнан ўша шахслар иштирок этганда, ҳар қандай ҳолатда корхоналар ўртасида уларнинг тижорий ва молиявий муносабатларида шартлар белгиланади ёки ўрнатилади, ва улар мустақил корхоналар ўртасида яратиладиган муносабатлардан фарқ қилади, зеро бунда уларнинг бирига ҳисобланиши мумкин бўлган, аммо ушбу шартлар мавжудлиги учун ҳисобланмаган фойда ушбу корхона фойдасига киритилиши ва тегишли равишда солиққа тортилиши мумкин.

2. Аҳдлашувчи Давлат ушбу Давлат корхонаси фойдасига унга нисбатан бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонаси ушбу Давлатда солиққа тортилдиган фойдани киритса (ва тегишли равишда унга солиқ солса), ва шу тарзда киритилган фойда биринчи бўлиб тилга олинган Давлатнинг корхонасига тегишли фойда ҳисобланса, икки корхона ўртасидаги муносабатлар иккита мустақил корхона муносабатларидек бўлса, бу ҳолда ушбу бошқа Давлат унда ушбу фойдага ҳисобланган солиққа тузатиш киритади. Бундай тузатишни белгилашда ушбу Конвенциянинг бошқа қоидаларига тегишли тарзда эътибор қаратиш керак, ва Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли идоралари, заруратга кўра, ўзаро маслаҳатлашувларни бошлаши керак.

10-модда **Дивидендлар**

1. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти ҳисобланган компания томонидан бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентига тўланадиган дивидендлар ушбу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Айни пайтда бундай дивидендларга дивидендларни тўлаётган компания резиденти ҳисобланган, ушбу Аҳдлашувчи Давлатда мазкур Давлатнинг қонунчилигига кўра ҳам солиқ солиниши мумкин, аммо дивидендларнинг амалдаги эгаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, бу тарзда ундириладиган солиқ қўйидагилардан ошмаслиги керак:

а) амалдаги эгаси дивидендларни тўлаётган компания сармоясининг камида 25 фоизи тегишли бўлган компания учун дивидендларнинг умумий суммасининг 5 фоизи;

б) қолган барча ҳолатлар учун 10 фоиз.

Ушбу банд ундан дивидендлар тўланадиган фойдага нисбатан компаниянинг солиққа тортилишига таъсир кўрсатмайди.

3. Ушбу моддада қўлланилганда «дивидендлар» атамаси фойдада иштирок этиш ҳуқуқини бермайдиган қарз талаблари ҳисобланмайдиган, акциялар ёки бошқа ҳуқуқлардан олинадиган даромадни, шунингдек фойдани тақсимловчи компания резиденти бўлган Давлатнинг қонунчилигига мувофиқ, акциялардан олинадиган даромад каби солиқ орқали тартибга солиниши зарур бўлган бошқа корпоратив ҳуқуқлардан олинадиган даромадни англатади.

4. Дивидендларнинг ҳақиқий эгаси, битта Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлгани ҳолда, унда жойлашган доимий муассасалари орқали дивидендлар тўлаётган компания унинг резиденти бўлган бошқа Аҳдлашувчи

Давлатда фаолият юритаётган бўлса, ёки ушбу бошқа Давлатда у ерда жойлашган доимий базаси орқали мустақил шахсий хизматлар кўрсатаётган бўлса, унга нисбатан 1-банд қоидалари қўлланилмайди ва унга нисбатан дивидендлар тўланаётган холдинг амалда бундай доимий муассаса ёки доимий база билан боғлиқ бўлади. Бундай ҳолда вазиятга кўра 7-модда ва 14-модда қоидалари қўлланилади.

5. Агарда бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган компания бошқа Аҳдлашувчи Давлатда фойда ёки даромад олаётган бўлса, ушбу иккинчи Аҳдлашувчи Давлат компания томонидан тўланаётган дивидендларга солиқ солмаслиги мумкин, бундай дивидендлар ушбу бошқа давлат резидентига тўланаётган, ёки унга нисбатан дивидендлар тўланаётган холдинг ушбу бошқа Давлатда жойлашган доимий муассаса ёки доимий база билан боғлиқ бўлган ҳолатлар бундан мустасно, шунингдек, тўланаётган дивидендлар ёки тақсимланмаган фойда тўлиқ ёки қисман ушбу бошқа Давлатда юзага келаётган фойда ёки даромаддан ташкил топганлигидан қатъи назар, компаниянинг тақсимланмаган фойдасига солиқ солмаслиги мумкин.

11-модда **Фоизлар**

1. Битта Аҳдлашувчи Давлатда юзага келаётган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатга тўланаётган дивидендларга ушбу бошқа Давлатда солиқ солиниши мумкин.

2. Аммо бундай фоизларга, улар вужудга келаётган ушбу Аҳдлашувчи Давлатда ҳам мазкур Давлат қонунчилигига мувофиқ солиқ солиниши мумкин, аммо фоизларнинг ҳақиқий эгаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, бу ҳолда солиқ фоизлар умумий қийматининг 5 фоизидан ошмаслиги лозим.

3. «Фоизлар» атамаси ушбу моддада қўлланилганда ипотека таъминотидан қатъи назар, ҳар қандай турдаги қарз талабларидан олинадиган даромадни, ва хусусан, ҳукумат қимматли қоғозларидан олинадиган даромадни, облигациялар ёки қарз мажбуриятлари бўйича олинадиган даромадни, жумладан, ушбу қарз қоғозлари, облигациялар ёки қарз мажбуриятлари бўйича мукофот ва ютуқларни англатади. Ўз вақтида тўланмаганлик учун жарималар ушбу модда мақсадларида фоиз сифатида кўриб чиқилмайди.

4. 1-банд қоидалари битта Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти ҳисобланган фоизларнинг ҳақиқий эгаси унда фоизлар вужудга келган бошқа Аҳдлашувчи Давлатда унда жойлашган доимий муассаса орқали тадбиркорлик фаолиятни юритаётган бўлса, ёки ушбу бошқа Давлатда жойлашган доимий базаси орқали мустақил шахсий хизматларни, ҳамда уларга нисбатан фоизлар тўланадиган қарз мажбуриятлари ҳақиқатдан ҳам бундай доимий муассаса ёки доимий база билан боғлиқ бўлган тақдирда қўлланилмайди. Бундай ҳолларда вазиятга қараб, 7-модда ёки 14-модда қоидалари қўлланилади.

5. Тўловчи ушбу Давлатнинг резиденти ҳисобланган тақдирда фоизлар Аҳдлашувчи Давлатда юзага келган деб ҳисобланади. Аммо фоизларни тўлаётган шахс Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлгани ёки бўлмагани ҳолда

Аҳдлашувчи Давлатда унга нисбатан фоизлар вужудга келган доимий муассаса ёки доимий базага эга бўлган тақдирда ушбу фоизлар бўйича харажатлар ушбу доимий муассаса ёки доимий база зиммасига тушади, бу ҳолда фоизлар доимий муассаса ёки доимий база жойлашган Аҳдлашувчи Давлатда вужудга келган деб ҳисобланади.

6. Агарда фоизларнинг тўловчиси билан амалдаги эгаси, ёки ҳар иккала-си билан бошқа шахс ўртасидаги алоҳида муносабатлар туфайли, ёки уларга нисбатан тўланадиган қарз талабларига оид фоизлар суммаси бундай муносабатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, тўловчи билан амалдаги эгаси ўртасида келишилган суммадан ортиқ бўлса, ушбу модда қоидалари фақат тилга олинган охириги суммага нисбатан қўлланилади. Бу ҳолда тўловнинг ортиқча қисми аввалгидек ҳар иккала Аҳдлашувчи Давлатларнинг қонунчилигига кўра ушбу Конвенция қоидаларини эътиборга олган ҳолда солиққа тортилади.

12-модда

Роялти

1. Бир Аҳдлашувчи Давлатда юзага келаётган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига тўланадиган роялтига ушбу бошқа Давлатда солиқ солиниши мумкин.

2. Бироқ ушбу роялтиларга у юзага келган Давлатда ҳам мазкур Давлат қонунчилигига мувофиқ солиқ солиниши мумкин, аммо роялтининг амалдаги эгаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, бу тарзда ундирилаётган солиқ роялти умумий қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги керак.

3. «Роялти» атамаси ушбу моддада қўлланилганда адабиёт, санъат ва фан асарлари, шу жумладан ҳар қандай патентлар, кинофильмлар, товар белгиси, чизмалар ёки моделлар, схемалар, махфий формулалар ёки жараёнлар бўйича муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланганлик ёки фойдаланиш ҳуқуқи берилгани ёки саноат, тижорат ёки илмий тажриба бўйича маълумот учун мукофот тариқасида олинадиган ҳар қандай турдаги тўловларни англатади.

4. Агар амалдаги роялтининг эгаси, бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлгани ҳолда роялти вужудга келадиган бошқа Аҳдлашувчи Давлатда унда жойлашган доимий муассаса орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган бўлса, ёки ушбу бошқа Давлатда унда жойлашган доимий база орқали мустақил шахсий хизматларни амалга ошираётган бўлса ва уларга нисбатан роялти тўланадиган мол-мулкка бўлган ҳуқуқ бундай доимий муассаса ёки доимий база билан боғлиқ бўлса 1-банднинг қоидалари татбиқ қилинмайди. Бундай ҳолларда вазиятдан келиб чиқиб, 7-модда ёки 14-модда қоидалари қўлланилади.

5. Роялти тўловчи ушбу Давлатнинг резиденти ҳисобланган тақдирда, роялти Аҳдлашувчи Давлатда вужудга келади, деб ҳисобланади. Аммо роялти тўлаётган шахс Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, Аҳдлашувчи Давлатда унга боғлиқ ҳолда роялти тўлаш мажбурияти вужудга келган доимий муассасага ёки доимий базага эга бўлса, ва тўловлар бўйича харажатлар бундай доимий муассаса ёки доимий база

зиммасига тушса, бундай роялтилар доимий муассаса ёки доимий база жойлашган Аҳдлашувчи Давлатда вужудга келган, деб ҳисобланади.

6. Тўловчи билан роялтининг ҳақиқий эгаси, ёки уларнинг ҳар иккаласи билан бошқа бирон шахс ўртасидаги алоҳида муносабатлар туфайли фойдаланганлик, фойдаланиш ҳуқуқига ёки улар учун тўланадиган маълумотларга оид роялти суммаси ёки тўловчи билан ушбу даромадларнинг ҳақиқий эгаси ўртасида келишилган бўлса, бундан муносабатлар мавжуд бўлмаган ҳолларда ушбу модданинг қоидалари фақат ушбу охириги суммага нисбатан қўлланилади. Бу ҳолда тўловнинг ортиқча қисми Аҳдлашувчи Давлатлардан ҳар бирининг қонунчилигига мувофиқ, мазкур Конвенциянинг бошқа қоидаларини эътиборга олган ҳолда аввалгидек солиққа тортилади.

13-модда

Сармоя қиймати ўсиб боришдан олинадиган даромадлар

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти томонидан, 6-моддада кўзда тутилган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган кўчмас мулкни бегоналаштиришдан олинадиган даромадлар ушбу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган доимий муассасаси тадбиркорлик мол-мулкига кирувчи доимий муассасаси қисмини ташкил этувчи кўчмас мулкни бегоналаштиришдан, ёки битта Аҳдлашувчи Давлатнинг бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти томонидан мустақил шахсий хизматларини амалга ошириш учун фойдаланиши мумкин бўлган доимий базасига тегишли кўчмас мулкни бегоналаштиришдан оладиган даромадлари, шу жумладан, ушбу доимий муассасани (алоҳида ёки корхона билан бирга) ёки доимий базаси бегоналаштиришдан олинадиган даромадлар ушбу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

3. Аҳдлашувчи Давлат корхонаси томонидан ушбу корхона томонидан халқаро ташувларда фойдаланиладиган денгиз ёки ҳаво кемаларини, автомобиль ёки темир йўл транспорт воситаларини бегоналаштиришдан олинадиган, ёки бундай денгиз ёки ҳаво кемаларини, автомобиль ёки темир йўл транспорт воситаларига боғлиқ бўлган кўчмас мулкни бегоналаштиришдан олинадиган даромадлар фақат ушбу Давлатда солиққа тортилади.

4. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти томонидан бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган кўчмас мулкдан бевосита ёки билвосита тарзда акцияларни бегоналаштиришдан ўз қийматининг 50 фоизи микдорида олинадиган даромадлар ушбу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

5. Аввалги бандларда санаб ўтилмаган ҳар қандай бошқа мулкни бегоналаштиришдан олинадиган даромадлар фақат мол-мулкни бегоналаштираётган шахс резиденти бўлган Аҳдлашувчи Давлатдагина солиққа тортилади.

14-модда

Мустақил шахсий хизматлар

1. Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти томонидан касбий хизматлар кўрсатиш ёки бошқа фаолиятдан олинаётган даромади бошқа Аҳдлашувчи Давлатда унинг фаолият юритиши учун зарур бўлган, унинг учун доимий равишда очиқ бўлган база пайдо бўлмагунча фақат ўша Давлатда солиққа тортилади. Агар у шундай доимий базага эга бўлса, даромад бошқа Аҳдлашувчи Давлатда даромаднинг фақат ушбу доимий базага тегишли бўлган қисмида солиққа тортилади. Агар жисмоний шахс — Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бўлиб, бундай доимий базага эга бўлса, лекин бошқа Аҳдлашувчи Давлатда кўриб чиқиладиган молиявий йилда бошланаётган ёки яқунланаётган ҳар қандай ўн икки ойлик давр ичида жами 183 кундан ортиқ давр ёки даврлар мобайнида ҳозир бўлса, у шу бошқа Давлатда доимий равишда фойдаланадиган доимий базага эга деб ҳисобланади ҳамда шу бошқа Давлатда юқорида кўрсатилган фаолиятдан олинаётган даромад доимий базага тегишли бўлади.

2. «Касбий хизматлар» атамаси, шу жумладан, мустақил илмий, адабий, бадиий, таълим ва таълим бериш фаолиятини, шунингдек врачлар, ҳуқуқшунослар, муҳандислар, меъморлар, стоматологлар ва ҳисобчилар мустақил фаолиятини ўз ичига олади.

15-модда

Мустақил бўлмаган шахсий хизматлар

1. 16, 18 ва 19-моддалар қоидаларини ҳисобга олиб, Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти томонидан ёлланма иш муносабати билан олинаётган маош, ойлик иш ҳақи ва бошқа шу каби тўловлар, агар ёлланма иш бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширилмаётган бўлса, фақат шу Давлатда солиққа тортилади. Агар ёлланма иш шу тарзда амалга оширилса, шу муносабат билан олинган ҳақ ушбу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. 1-банд қоидаларидан қатъи назар, битта Аҳдлашувчи Давлат резиденти томонидан бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга ошириладиган ёлланма иш муносабати билан олинаётган ҳақ қуйидаги ҳолларда ушбу биринчи айтиб ўтилган Давлатда солиққа тортилади:

а) ҳақ олувчи кўриб чиқиладиган молиявий йилда бошланаётган ёки яқунланаётган ҳар қандай ўн икки ойлик давр ичида жами 183 кундан ортиқ давр ёки даврлар мобайнида бошқа Давлатда ҳозир бўлса, ва

б) ҳақ бошқа Давлатнинг резиденти бўлмаган ёлловчи томонидан ёки ёлловчининг номидан тўланса, ва

в) ҳақ тўлаш бўйича харажатлар ёлловчининг бошқа Давлатдаги доимий муассасаси ёки доимий базаси ҳисобидан тўланмаса.

3. Ушбу модданинг аввалги қоидаларидан қатъи назар, Аҳдлашувчи Давлат корхонаси томонидан халқаро ташувларда қўлланиладиган денгиз, ҳаво кемалари, автомобиль ёки темир йўл транспорт воситасида амалга

оширилаётган ёлланма иш муносабати билан олинаётган ҳақ шу Давлатда солиққа тортилади.

16-модда

Директорларнинг гонорарлари

Бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган компаниянинг Директорлар кенгаши ёки бошқа шунга ўхшаш органи аъзоси сифатида олаётган директорлар мукофотлари ва бошқа шунга ўхшаш тўловлари ушбу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

17-модда

Санъат ходимлари ва спортчилар

1. 14 ва 15-моддаларнинг қоидаларидан қатъи назар, битта Аҳдлашувчи Давлат резиденти томонидан театр, кино, радио ёки телевидение ижодкори, ёки мусикачи, ёки спортчи сифатида бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга ошираётган шахсий фаолиятдан олинаётган даромад мана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Санъат ходими ёки спортчи томонидан амалга оширилаётган шахсий фаолият муносабати билан олинган даромад санъат ходими ёки спортчининг ўзига эмас, бошқа шахс номига ҳисобланса, бу даромад, 7-, 14- ва 15-моддалар қоидаларидан қатъи назар, санъат ходими ёки спортчи фаолияти қаерда амалга оширилаётган бўлса, ўша Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

3. 1 ва 2-бандларнинг қоидалари Аҳдлашувчи Давлатлардан бирида санъат ходимлари ёки спортчилар томонидан амалга оширилаётган фаолиятдан олинаётган даромадга, агар уларнинг ушбу Давлатга ташрифи бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг жамоат фондлари ҳисобидан ёки маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тўлиқ молиялаштирилган тақдирда, тааллуқли бўлмайди. Бу ҳолда даромад фақат ушбу санъат ходими ёки спортчи резидент бўлган Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

18-модда

Пенсиялар

19-модданинг 2-бандида кўзда тутилган қоидаларини ҳисобга олиб, Аҳдлашувчи Давлат резидентига аввалги ёлланма иш учун компенсация сифатида тўланадиган пенсиялар ва шунга ўхшаш тўловлар, фақат шу Давлатда солиққа тортилади.

19-модда

Ҳукумат хизмати

1. а) Аҳдлашувчи Давлат ёки унинг маҳаллий ҳокимият органига кўрсатилган хизматлар учун ушбу Давлат ёки унинг маҳаллий ҳокимият органи томонидан жисмоний шахсга тўланадиган ойлик иш ҳақи, маош ва бошқа

шунга ўхшаш тўловлар (пенсия бундан мустасно) фақатгина шу Давлатда солиққа тортилади.

б) Аммо, бундай ойлик иш ҳақи, маош ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар, қачонки хизмат ушбу бошқа Давлатда амалга ошириладиган ва жисмоний шахс куйидаги Давлатнинг резиденти бўлса, фақат бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади:

(i) ушбу Давлатнинг миллий шахси бўлган; ёки

(ii) фақат шу хизматни амалга ошириш мақсадида шу Давлатнинг резиденти бўлишдан тўхтаган бўлса.

2. а) Аҳдлашувчи Давлат ёки маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ёки улар томонидан яратилган фондлар ҳисобидан шу Давлат ёки маҳаллий ҳокимият органига кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган ҳар қандай пенсия фақат шу Давлатда солиққа тортилади.

б) Аммо бундай пенсия жисмоний шахс шу Давлатнинг резиденти ва миллий шахси бўлган ҳолларда фақат бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

3. 15, 16 ва 18-моддалар қоидалари Аҳдлашувчи Давлат ёки маҳаллий ҳокимият органи томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти муносабати билан кўрсатилган хизматлар учун иш ҳақи, маош ва шунга ўхшаш ҳақлар ва пенсияларга қўлланилади.

20-модда

Талабалар ва амалиётчилар

Аҳдлашувчи Давлатларнинг бирига келишдан аввал бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган ёки бўлиб турган ва айтиб ўтилган биринчи давлатга фақатгина ўрганиш ёки таълим олиш мақсадида келган талаба ёки амалиётчи томонидан олинаётган ҳамда яшаш, ўрганиш ва таълим олишга мўлжалланган тўловлар, бундай тўловлар шу Давлатдан ташқаридаги манбалар ҳисобидан юзага келган ҳолда мазкур Давлатда солиққа тортилмайди.

21-модда

Бошқа даромадлар

1. Аҳдлашувчи Давлатлар резиденти даромадларининг ушбу Конвенциянинг аввалги моддаларида айтиб ўтилмаган турлари, улар қаерда юзага келишидан қатъи назар, фақатгина шу Давлатда солиққа тортилади.

2. 1-банд қоидалари, 6-модда 2-бандида кўрсатилган кўчмас мулкдан олинаётган даромадларни истисно қилган ҳолда, агар бундай даромадларни олувчи битта Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўла туриб, бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ўша ерда жойлашган доимий муассаса орқали фаолият юритаётган ёки шу бошқа Давлатда жойлашган доимий база билан биргаликда мустақил шахсий хизматлар кўрсатаётган бўлса, ҳамда даромад манбаи бўлган ҳуқуқ ёки мулки ҳақиқатдан ҳам шундай доимий муассаса ёки доимий база билан боғлиқ бўлса, ушбу даромадларга татбиқ қилинмайди. Бу ҳолда вазиятдан келиб чиқиб 7-модда ва 14-модда қоидалари қўлланилади.

22-модда **Сармоя**

1. 6-моддада айтиб ўтилган, бир Аҳдлашувчи Давлат резидентига тегишли бўлган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган кўчмас мулкдан иборат сармоя ушбу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатда эгаллик қилаётган доимий муассасанинг иш мулкининг қисми бўлган кўчма мулкдан иборат сармоя ёки бир Аҳдлашувчи Давлат резидентига бошқа Аҳдлашувчи Давлатда мустақил шахсий хизматлар кўрсатиш учун очик бўлган доимий базага тегишли кўчмас мулк ушбу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

3. Аҳдлашувчи Давлат корхонаси томонидан фойдаланиладиган денгиз ва ҳаво транспорти, автомобиль ва темир йўл транспорти воситаларидан иборат ҳамда бундай денгиз ёки ҳаво транспорти, автомобиль ёки темир йўл транспорти воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ кўчмас мулкдан ташкил топган сармоя фақатгина шу Давлатда солиққа тортилади.

4. Аҳдлашувчи Давлат резиденти сармоясининг бошқа барча элементлари фақатгина шу Давлатда солиққа тортилади.

23-модда

Икки томонлама солиққа тортишни бартараф этиш

1. Ўзбекистон резидентига нисбатан икки томонлама солиққа тортиш қуйидагича бартараф этилади:

Ўзбекистон резиденти ушбу Конвенция қоидаларига мувофиқ Эстонияда солиққа тортилиши мумкин бўлган даромад олса ёки сармояга эга бўлса, Ўзбекистон:

(а) ушбу резидентга ҳисобланадиган даромад солиғидан Эстонияда тўланган даромад солиғига тенг бўлган суммани айириш;

(б) ушбу резидентга ҳисобланадиган сармоя солиғидан Эстонияда тўланган мулк солиғига тенг бўлган суммани айиришга рухсат бериши мумкин.

Аммо, бундай айиришлар, ҳар қандай ҳолатда, Ўзбекистонда айириш амалга оширилгундан аввал ҳисобланган даромад ёки сармоя солиғининг вазиятдан келиб чиқиб, Эстонияда солиққа тортилиши мумкин бўлган даромад ёки сармояга тегишли қисмидан ошмаслиги керак.

2. Эстония резидентига нисбатан икки томонлама солиққа тортиш қуйидагича бартараф эгилади:

а) Эстония резиденти ушбу Конвенцияга мувофиқ Ўзбекистонда солиққа тортилиши мумкин бўлган даромад олса ёки сармояга эга бўлса, Эстония б) хатбошиси ва 3-банд қоидаларини ҳисобга олган ҳолда бундай даромад ёки сармояни солиққа тортишдан озод этади.

б) Агар Эстония резиденти:

(i) 10-модда 2-банди б) хатбошиси;

(ii) 11- ва 12-моддалар 2-банди қоидаларига мувофиқ.

Ўзбекистонда солиққа тортилиши мумкин бўлган даромад олса, Эсто-

ния шу резидент даромад солиғидан Ўзбекистонда тўланган даромад солиғига тенг суммани айириши мумкин. Бундай айиришлар ҳар қандай ҳолатда солиқнинг айирилгундан аввал ҳисобланган, Ўзбекистонда олинадиган даромаднинг бундай турларига тегишли бўлган қисмидан ошмаслиги лозим.

3. Ушбу Конвенциянинг бирон-бир қоидасига мувофиқ, Аҳдлашувчи Давлат резиденти томонидан олинган даромад ёки эғалик қилаётган капитал шу Давлатда солиққа тортилишдан чиқарилган бўлса, шу Давлат шу резиденти даромади ёки капиталининг қолган қисми учун солиқни ҳисоблашда, бундан қатъи назар, солиққа тортишдан чиқарилган даромад ёки сармоя суммасини ҳисобга олиши мумкин.

24-модда

Дискриминация қилмаслик

1. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг миллий шахсларига Бошқа Аҳдлашувчи давлатда шу бошқа Давлатнинг миллий шахсларига айнан шу шароитларда, хусусан қароргоҳга нисбатан татбиқ этилаётган ёки татбиқ этилиши мумкин бўлган солиққа тортиш ва у билан боғлиқ мажбуриятлардан оғирроқ бўлган ҳар қандай солиққа тортиш ёки у билан боғлиқ мажбуриятлар татбиқ этилмайди. Бу қоида 1-модда қоидаларидан қатъи назар, Аҳдлашувчи Давлатларнинг бири ёки иккаласининг резидентлари бўлмаган жисмоний шахсларга қўлланилади.

2. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатда эғалик қилаётган доимий муассасасини солиққа тортиш шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда шу бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг айнан шу фаолиятни амалга ошираётган корхоналарнинг солиққа тортилишига кўра номақбул бўлмайди. Бу қоида Аҳдлашувчи Давлатлардан бирини бошқа Аҳдлашувчи Давлатларнинг резидентларига у ўз резидентларига тақдим этаётган фуқаролик ҳолати ёки оилавий шароитлари асосида солиққа тортиш мақсадида қандайдир алоҳида имтиёзлар, эркинликлар ва чегирмалар беришга мажбур этаётган қоида сифатида талқин қилинмаслиги лозим.

3. 9-модданинг 1-банди, 11-модданинг 6-банди ёки 12-модданинг 6-банди қоидалари қўлланиладиган ҳоллардан ташқари, бир Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонасига тўланаётган фоизлар, роялти ва бошқа товон пуллари, бундай корхонанинг солиққа тортилувчи фойдасини аниқлаш мақсадида, бундай тўловлар айтиб ўтилган биринчи Давлат резидентига тўланган айнан шундай шароитларга мувофиқ ушлаб қолинади. Худди шундай, Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига қарзлари шу корхонанинг солиққа тортилувчи мулкани аниқлаш мақсадида айтиб ўтилган биринчи Давлат резидентининг қарзлари бўлганидек, айнан шундай шароитларга мувофиқ ушлаб қолинади.

4. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг сармояси бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг бир ёки ундан ортиқ резидентига тўлиқ ёки қисман тегишли бўлган ёки бевосита ёки билвосита назорат қилинаётган корхонага айтиб ўтилган биринчи Давлатда шунга ўхшаш корхоналарга татбиқ этилаётган ёки тат-

биқ этилиши мумкин бўлган солиққа тортиш ва у билан боғлиқ бошқа мажбуриятлардан бошқача ёки улардан оғирроқ ҳеч қандай солиққа тортиш ёки шу билан боғлиқ бошқа мажбурият татбиқ этилмайди.

5. Ушбу модда қоидалари, 2-модда қоидаларидан қатъи назар, барча тур ва таърифдаги солиқларга татбиқ қилинади.

25-модда

Ўзаро келишиш тартиби

1. Агар шахс Аҳдлашувчи Давлатлардан бири ёки иккаласининг ҳаракатлари унга мазкур Конвенция қоидаларига амал қилинмасдан унинг солиққа тортилишига олиб келаётгани ёки олиб келиши мумкин, деб ҳисобласа, у шу Давлатларнинг ички қонунчилиги билан назарда тутилган ҳимоя воситаларидан қатъи назар, ўз аризасини Аҳдлашувчи Давлатлардан қай бирининг резиденти бўлса, ўша Давлат ваколатли органига ёки, унинг вазияти 24-модданинг 1-банди таъсирига тушган бўлса, Аҳдлашувчи Давлатлардан қай бирининг миллий шахси бўлса, ўша Давлат ваколатли органига тақдим этиши мумкин. Бу ариза ушбу Конвенция қоидаларига амал қилинмасдан солиққа тортишга олиб келувчи ҳаракат тўғрисида биринчи марта хабардор бўлган кундан уч йил мобайнида тақдим этилиши лозим.

2. Ваколатли орган, агар у эътирозни асосли, деб тан олса ва ўзи қоникарли ечимга кела олмаса, масалани ушбу Конвенция қоидаларига номувофиқ бўлган солиққа тортишни олдини олиш учун бошқа Аҳдлашувчи Давлат ваколатли органи билан ўзаро келишилган ҳолда ҳал қилиши мумкин. Эришилган ҳар қандай келишув Аҳдлашувчи Давлатлар ички қонунчиликларига қандайдир вақт чекловларидан қатъи назар, амалга оширилиши лозим.

3. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари ушбу Конвенцияни татбиқ этиш ёки талқин қилишда юзага келаётган ҳар қандай мураккабликлар ёки гумонларни ўзаро келишган ҳолда ҳал қилишга интиладилар. Шунингдек, улар ушбу Конвенция билан назарда тутилмаган ҳолларда икки томонлама солиққа тортишни бартараф қилиш мақсадида бир-бири билан маслаҳатлашиши мумкин.

4. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари аввалги бандларда баён этилган масалаларда келишувга эришиш мақсадида бир-бирлари билан бевосита, шу жумладан уларнинг ўзлари ёки вакиллари билан иборат бирлашган комиссия доирасида алоқа ўрнатишлари мумкин.

26-модда

Ахборот алмашиш

1. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари ушбу Конвенция қоидаларини бажариш ёхуд Аҳдлашувчи Давлатлар, ёки уларнинг сиёсий бўлинмалари, ёки маҳаллий ҳокимият органлари номидан ундирилаётган ҳар қандай тур ва таърифдаги солиқларга тегишли ички қонунчиликни бошқариш ёки қўллаш учун, бундай солиққа тортиш ушбу Конвенцияга зид кел-

маган даражада муайян аҳамиятга эга бўлган ахборот билан алмашишлари мумкин. Ахборот алмашинуви 1- ва 2-моддалар билан чекланмайди.

2. Аҳдлашувчи Давлатлардан бири 1-бандга мувофиқ олган ҳар қандай ахборот шу Давлатнинг ички қонунчилигига мувофиқ олинган ахборот каби махфий ҳисобланади ҳамда 1-бандда айтиб ўтилган солиқларга нисбатан баҳолаш ва тўплаш, мажбурий ундириш ёки суд таъқиби ёки апелляциялар кўриб чиқиш, ҳам юқорида санаб ўтилганларнинг барчасини назорат қилиш билан машғул шахслар ёки органларгагина (шу жумладан, судлар ва маъмурий органлар) хабар берилади. Бундай шахс ёки органлар бу ахборотни фақат белгиланган мақсадларда ишлатишлари лозим. Улар бу ахборотни очиқ суд мажлиси ёки суд қарорларида ошкор этишлари мумкин.

3. Ҳеч бир ҳолатда 1- ва 2-бандлар қоидалари Аҳдлашувчи Давлатга:

(а) шу ёки бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг қонунчилиги ёки маъмурий амалиётига зид келувчи маъмурий тадбирлар ўтказиш;

(б) шу ёки бошқа Аҳдлашувчи Давлат қонунчилигига кўра ёки оддий маъмурий бошқариш давомида олиб бўлмайдиган ахборотни тақдим этиш;

(в) савдо, тадбиркорлик, саноат, тижорат ёки касбий сир ёки савдо жараёни, ёки ошкор этилиши давлат сиёсатига зид келиши мумкин бўлган ахборот (ordre public) тақдим этиш мажбуриятини юкловчи қоидалар сифатида талқин қилинмайди.

4. Агар ахборот Аҳдлашувчи Давлатлардан бири томонидан ушбу моддага мувофиқ сўралган бўлса, бошқа Аҳдлашувчи Давлат бундай ахборот шу бошқа Давлатнинг солиқ мақсадлари учун керак бўлмаган ҳолда ҳам сўралган ахборотни олиш учун ахборот тўплаш бўйича ўз тадбирларидан фойдаланиши лозим. Аввалги гапда баён этилган мажбурият 3-банд қоидалари билан чекланган, лекин ҳеч бир ҳолатда бундай чекловлар Аҳдлашувчи Давлатга ахборотга ички манфаатдорлик мавжуд бўлмаганлиги сабаби билан ахборот тақдим этишдан бош тортишга рухсат берувчи қоида сифатида талқин қилинмайди.

5. 3-банд қоидалари ҳеч бир ҳолатда Аҳдлашувчи Давлатга ахборотга банк, бошқа молиявий муассаса, номинал эга, ёки агент, ёки ишончли вакил бўлган шахс эгалик қилаётганлиги сабабли ёки ахборот шахснинг мулкчилик ҳуқуқига тегишли эканлиги сабабли ахборот тақдим этишдан бош тортишга рухсат берувчи қоида сифатида талқин этилмайди.

27-модда

Имтиёзларни чеклаш

Ушбу Конвенциянинг бошқа ҳар қандай қоидасидан қатъи назар, Аҳдлашувчи Давлат резидентига бошқа Аҳдлашувчи Давлат томонидан ушбу Конвенцияда назарда тутилган солиқларга нисбатан ҳар қандай камайтириш ёки озод этиш бўйича имтиёзлар берилмайди, агарда бундай резидент ёки бундай резидент билан боғлиқ ҳар қандай шахснинг тузилиши ёки фаолиятининг асосий мақсади ёки асосий мақсадларидан бири Конвенцияда кўзда тутилган имтиёзларни суиистеъмол қилишдан иборат бўлса.

28-модда

Дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалар ходимлари

Ушбу Конвенциянинг ҳеч бир қоидаси дипломатик ваколатхоналар ёки консуллик муассасалар ходимларининг халқаро ҳуқуқнинг умумий нормалари ёки махсус келишувлар қоидаларига мувофиқ тақдим этилган солиқ имтиёзларига татбиқ этилмайди.

29-модда

Конвенциянинг кучга кириши

1. Аҳдлашувчи Давлатлар уларнинг қонунчилигига кўра ушбу Конвенциянинг кучга кириши учун керак бўлган тартиб-таомилларнинг яқунланиши тўғрисида бир-бирини хабардор қиладилар.

2. Ушбу Конвенция 1-бандда айтиб ўтилган хабарларнинг охиригидан кучга киради ва унинг қоидалари Аҳдлашувчи Давлатларнинг иккаласида ҳам амал қиладиган;

а) манбадан ушбу Конвенция кучга кирган йилдан бевосита кейин келувчи календарь йилнинг биринчи январидан ёки биринчи январидан кейин олинаётган даромаддан ундириладиган солиқларга нисбатан;

б) Конвенция кучга кирган йилдан бевосита кейин келувчи календарь йилининг биринчи январидан ёки биринчи январидан кейин бошланувчи ҳар қандай молиявий йил давомида ундириладиган бошқа даромад солиқлари ёки капитал солиқларига нисбатан.

30-модда

Амал қилишда тўхташи

Ушбу Конвенция Аҳдлашувчи Давлатларда бири томонидан унинг амал қилиши тўхтатилгунга қадар амал қилишда давом этади. Аҳдлашувчи Давлат Конвенция амал қилишини дипломатик каналлар орқали ҳар қандай календарь йил якунигача камида олти ой аввал амал қилишни тўхтатиш тўғрисидаги ёзма билдириш хати жўнатиш орқали тўхтатиши мумкин. Бундай ҳолда Конвенция Аҳдлашувчи Давлатларнинг иккисидан ҳам амал қилишда тўхтайдиган:

а) манбадан ушбу билдириш хати берилган йилдан бевосита кейин келувчи календарь йилнинг биринчи январидан ёки биринчи январидан кейин олинган даромаддан ундириладиган солиқларга нисбатан;

б) билдириш хати берилган йилдан бевосита кейин келувчи календарь йилининг биринчи январидан ёки биринчи январидан кейин бошланувчи ҳар қандай молиявий йил давомида ундириладиган бошқа даромад солиқлари ёки капитал солиқларига нисбатан.

Юқоридагиларни тасдиқлаб, қуйида имзо қўйганлар, тегишли тартибда бунга ваколат олганлар, ушбу Конвенцияни имзоладилар.

Нью-Йорк шаҳрида 2012 йилнинг 28 сентябрида икки нусхада, ҳар бири ўзбек, эстон ва инглиз тилида тузилди. Учала матн ҳам бир хил кучга эга.

Ушбу Конвенция қоидаларини талқин қилишда тушунмовчиликлар юзга келганда инглиз тилидаги матн асос қилиб олинади.

(имзолар)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ ТўПЛАМИ**

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами / Сборник международных договоров Республики Узбекистан. 3-4 (39-40)-сон, 2013. — 60 б.

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2014 й.

Тахрир кенгаши:

*Н.Т. Йўлдошев, Д.Э. Хакимов, М.М. Икрамов,
Н.С. Жўраев, М. Азимов, С.С. Нуриев*

Тахририят манзили:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 100047,
Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 5.
Тел.: 233-73-28, 236-73-98.

Нашрга тайёрлаганлар:

Ф.Ш. Тожиев, Ж.Ф. Сирожев, Ф.Э. Эркинов

Компьютерда саҳифаловчи: *Ш.Ш. Қурбонбоев*
Мусаҳҳихлар: *Д.Д. Дўстжонова, С.В. Артикова*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
хузуридаги «Адолат» нашриёти.

100000, Тошкент ш., Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Обуна масалалари бўйича тел./ф.: 233-84-80, 233-94-36, 233-67-65.

Босишга рухсат этилди 11.03.2014. Бичими 70x108^{1/16}.
Ҳажми 3,75 б.т. Адади 1150 нусха, буюртма — 80.

«Ғ. Фулом» Нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди,
100128, Тошкент ш., Шайхонтохур кўчаси, 86-уй.